

ТИЛШУНОСЛИҚДА ПРАГМАЛИНГВИСТИКА ҲАМДА ПРАГМАЛИНГВИСТИКАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Азамжанова Сарвиноз
ЎзДЖТУ 1- курс талабаси.

Илмий раҳбар: Давронова Зульфия
ЎзДЖТУ катта ўқитувчиси.

Аннотация: Прагмалингвистик назария ҳам функционализмни четлаб ўта олмайди. Мулоқот фаолияти таҳлиliga лисоний тизимнинг функционал хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашмасак, прагмалингвистиканинг таърифини бериш, унинг тадқиқ предметини аниқлаш ўта қийин вазифага айланади. Мазкур мақолада прагмалингвистикага таъриф берганмиз ҳамда унинг мулоқот жараёнидаги бир нечта вазифалари хусусида маълумотлар берганмиз.

Калит сўзлар: тилшунослик, прагмалингвистика, мулоқот, прагмалингвистика вазифалари, семиотика, ахборот узатиш, мулоқот жараёни.

Аннотация: Прагмалингвистическая теория также не может обойти функционализм. Если не подходить к анализу коммуникативной деятельности с точки зрения функциональных особенностей языковой системы, становится весьма сложной задачей дать определение прагмалингвистике и определить предмет ее исследования. В этой статье мы дали определение прагмалингвистике и предоставили информацию о некоторых ее функциях в процессе общения.

Ключевые слова: лингвистика, прагмалингвистика, общение, задачи прагмалингвистики, семиотика, передача информации, процесс общения.

Abstract: Pragmalinguistic theory cannot bypass functionalism either. If we do not approach the analysis of communicative activity from the point of view of the functional features of the linguistic system, it becomes a very difficult task to define pragmalinguistics and to determine the subject of its research. In this article, we have defined pragmalinguistics and provided information about several of its functions in the communication process.

Keywords: linguistics, pragmalinguistics, communication, tasks of pragmalinguistics, semiotics, information transfer, communication process.

Ҳаммамизга маълумки, прагмалингвистика тилшуносликнинг мустақил йўналиши сифатида ўтган асрнинг 60-70-йилларида шаклланди. 1970 йилда Дордрехт шаҳрида “Табиий тиллар прагматикаси” (Pragmatics of natural languages) мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда ўқилган маърузалар тўпламининг муҳаррири, Телль-Авив университетининг профессори М.Бар -Ҳиллелнинг “Сўз боши”да қайд қилишича, анжуман иштирокчилари яқдиллик билан «Табиий тил воситасида бажариладиган мулоқотнинг прагматик хусусиятлари ушбу мулоқотнинг синтактик ва семантик хусусиятлари каби лингвистик назария доирасида ўрганилиши лозим», деган хулосага келишди .

Прагматиканинг «қайта туғилиш даври» деб эътироф этилган худди шу пайтдан бошлаб, хорижий тилшуносликда ҳақиқий прагматик кўтарилиш юзага келди. Бу мавзуга оид қатор анжуманлар, йиғинлар ўтказилди, чоп қилинаётган тўпламлар, илмий тадқиқотларнинг чегараси йўқ, Journal of Pragmatics том маънода халқаро нашрга айланди.

Прагмалингвистиканинг предметини аниқлашга илк бор аҳд қилганлардан бири Г.Клаус эди. У юқорида эслатилган асарида прагматикани «белгилар (Z) ва ушбу лисоний белгиларни яратувчи, узатувчи ҳамда қабул қилувчи шахслар (M) ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи» фан сифатида таърифлайди.

Олимларнинг фикрича, белгининг муносабатларга киришиш имкониятларини инобатга олиш семиотик тизим қисмларини ажратиш ва уларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш учун муҳим. Бусиз прагматиканинг семиотик жараёндаги ўрнини билиб бўлмайди. Лекин ушбу жараён иштирокчилари ўртасидаги муносабат икки томонлама муносабат (белги - интерпретатор) сифатида қаралганда, прагматиканинг таърифи фақат формал кўриниш олади. Унда беихтиёр лисоний белгининг вазифасини фақатгина маълумот етказиш воситасидан иборат, деган фикр устувор бўлиб қолади. Сўзсиз, мулоқот жараёнининг асосий мақсади ахборот узатиш ва қабул қилишдир. Шу сабабли бўлса керакки, коммуникация ҳодисасига турли муаллифлар томонидан берилаётган барча таърифлар асосида ижтимоий коммуникацияни инсонларнинг белгилар воситасида бажарадиган ўзаро «ахборот – маъно ҳамкорлиги» сифатидаги талқини ётадию

Лисоний тизим бажарадиган вазифаларни фарқлашда ҳам икки асосий саволга жавоб изланади: 1) лисоний фаолият жараёнида лисоний белгидан фойдаланувчи қандай ҳаракатларни бажаради? 2) лисоннинг қайси хусусиятлари ва имкониятлари ундан фойдаланувчига ушбу ҳаракатларни бажариш имконини беради. Биринчи савол лисоний бирликларнинг бирор бир вазифа ижросидаги ўрни, роли билан боғлиқ бўлса, иккинчиси ижро этиладиган вазифаларнинг тил табиатига хос томонларини акс эттиради.

М.Ҳоллидей таснифида ҳам лисоннинг уч вазифаси эслатилади:

- 1) идрок, тасаввур вазифаси (the ideational function), яъни лисон сўзловчиларнинг воқелик, ўз ички кечинмалари ҳақидаги фикр, ғояларини ифодалаш учун хизмат қилади;
- 2) шахслараро вазифа (the interpersonal function): тил мулоқатга киришиш ва шахслараро муносабат ўрнатиш вазифасини ўтайди;
- 3) контекст ёки 62 матн вазифаси (the textual function): тил ўзи ва қўлланилаётган вазият элементлари ўртасидаги алоқани шакллантириш вазифасини бажаради. Охиргиси тил тизимининг ички вазифаси бўлиб, у олдинги икки вазифа амалга ошишида восита хизматини ўтайди.

Хулоса қиладиган бўлсак, лисоннинг ҳар қандай вазифаси унинг коммуникатив жараёнда фаоллашуvidан намоён бўлади. Агар лисондан фойдаланувчи шахснинг мулоқот жараёнида қандай ҳаракатларни бажаришини билсак, лисон коммуникатив восита вазифасини ўташи учун қандай имкониятларга эга бўлиши ва ушбу имкониятларни қай йўсинда намоён қила олишини аниқлаш мумкин бўлади. Ҳозирча лисон коммуникация воситаси бўлишдан ташқари, яна қандай вазифаларни ўташи мумкинлиги ҳақидаги саволга жавоб изламай, лисоннинг ҳар қандай вазифаси ижросида унга хос бўлган юқорида эслатилган уч турдаги вазифа асос бўлиб хизмат қилишини таъкидламоқчиман. Бу вазифалар эса, мулоқот жараёни кечишининг маҳсули эканлигини яна бир марта таъкидламоқчиман.

Адабиётлар рўйхати:

1. K.A.Dolinin. Interpretation of a text. – M.: Prosvesheniye. 1985. -283.
2. Yu. Apresyan. Connotation as a part of word pragmatics//selected works. I, II; Integral description of a language and system of lexicography. M., 1995.
3. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory and Its Reflection in French Phraseology." *Journal of Positive School Psychology* (2022): 2883- 2889.
4. Ilhomovna, D. D., & Ostonovich, B. O. (2024). Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769), 2(1), 348-354.
5. Ilhomovna, D. D., & Ostonovich, B. O. (2024). Interaction of Language Games in the Articulation of “Historical Memory” Within French and Uzbek Phraseology. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769),2(1), 348-354.
6. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "The emergence of the concept of “historical memory” in linguistics and the history of its socio-cultural formation." *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal* 12.3 (2022): 169-173.
7. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing “Historical Memory” In Uzbek and French Languages." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
8. Rahmonova, Gulnoza, and Dildora Djafarova. "Explanation of the term" neologism." in linguistics. In *Конференции*. 2021.
9. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Fransuz va o‘zbek frazeologiyasida “tarixiy xotira” ni ifodalashda til o‘yinlarini o‘zaro ta’siri (ahamiyati)." *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences* 1.1 (2021): 255-259.
10. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." *Академические исследования в современной науке* 2.17 (2023): 165-169.
11. Яхшибоева, Нодира. "ТУРИСТИЧЕСКИЙ ДИСКУРС КАК ОДИН ИЗ ОСОБЫХ ВИДОВ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО ДИСКУРСА." *International Bulletin of Applied Science and Technology* 3.6 (2023): 879-884.
12. Djurayeva Lola Shukhratovna. Discours De Conte De Fées Et Sa Classification. *AMERICAN Journal of Science on Integration and Human Development* *Volume 2, Issue 2, 2024 ISSN (E): 2993-2750.*